Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 19 январь 1971 йил, сешанба ◆ № 15 (14.785). ◆ Баҳоси 2 тийин.



КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЗАФАРЛАР, РЕЖАЛАР

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТАНИНГ ИСТИҚБОЛИ КЕНГ

СОЮЗНИХИ Сурхондарё область қишлоқ хўжалик тажриба станциясининг илмий ходимлари ингичка толали чигит ғўзасини кенг қаторлаб парвариш қилишнинг юксак самарадорлигини кўрсатдилар. Улар «5904-И» ва «С-6002» навларини республиканинг жанубий хўжаликларида экиб тўрт йил мобайнида тажриба ўтказдилар.

Тажриба ингичка толали пахтанинг чигити кенг оралиқда яхши ўсишини тасдиқлади. Бу жойларда ўсимлик қуёш ҳароратидан, ҳаводан кўпроқ баҳра олади. Механизмларнинг баракали ишлаши учун ҳам кенг имконият туғилади. Бундан келадиган фойда шуки, кўчатларнинг қалинлиги ортади, гектар бошига ҳосилдорлик уч центнер юқори бўлади, кўсаклар одатдагидан кўра бир ҳафта олдинроқ пишади.

Бултур Сурхондарёда минг гектар майдонга ингичка толали пахта чигити шу усулда экилган эди. Бу йил хўжаликлар янги технологияга анча кўпроқ майдон ажратадилар. (УзТАГ).

ТИКУВЧИЛАР, ЯНГИ БИНО МУБОРАК

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг бичиқчилари янги тўрт қаватли бинога кўчиб ўтишди. Ҳозирги замон ускунаси билан жиҳозланган кенг цехга кўчиб ўтилиши туфайли бичиқчиларнинг меҳнат унумдорлиги 80 процент ортди.

Фирманинг бошқа цехлари ҳам шу ойнинг охирига қадар янги шинам бинога кўчиб киради. Янги цехларда тикувчиларга жуда соз шароит яратиб берилган. Янги бино соябон билан жиҳозланган, ҳамма биноларда ўзининг микро иқлими бор.

Янги корпус корхонани реконструкция қилиш плани асосида қурилган.

ЯКУНЛАР ВА ХУЛОСАЛАР

Бу йил Ўзбекистонда тағин ўнта совхоз хўжалик ҳисобига тўлатўкис ўтади. Бу совхозлар Мирзачўлнинг қўриқ ерларидаги хўжаликлардир. Ҳозирги вақтда республикада биргина Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги йўли билан 169 совхозда янги иш системаси жорий этилган, бу совхозларда пахта, гўшт, сабзавот, мева етиштирилади. Бу совхозларни хўжалик ҳисобига ўтказиш партия XXIII съезди директиваларида кўзда тутилган эди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги совхозлар бош бошқармасининг бошлиғи С. Мирхабибов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— 1970 йилда янгича ишлаган хўжаликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якунлари жуда соз бўлди. Дастлабки ҳисобларга кўра, бу хўжаликларда мўлжалланганидан анча кўп — 83,7 миллион сўм фойда олинади. Бу хўжаликлар биринчи марта бунчалик юқори даромад олмоқда. Ишлаб чиқаришни ўстиришнинг самарадорлигини қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин. Хўжалик ҳисобида ишлаётган совхозларнинг ишлаб чиқариш фондидаги ҳар юз сўм ҳисобида бошқа совхозлардагига нисбатан ўрта ҳисобда ўн процент ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилди.

Ўрта Осиё экономика ва қишлоқ хўжалик органлари илмий-тадқиқот институтида министрликка қарашли бошқа совхозларнинг ҳаммасини хўжалик ҳисобига тўла кўчириш юзасидан иқтисодий жиҳатдан асосланган тадбирлар ишлаб чиқилди.

ҚИШЛОҚЛАРДА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ

АНДИЖОНДА 24-қурилиш тресги ҳузурида иккита кўчма механизациялаштирилган колонна бошқармаси тузилди. Хўжаобод бошқармаси Жалақудуқ посёлкасида бўлиб қишлоқларда маданий-маиший ва ишлаб чиқариш биноларини қуради. Бўз бошқармаси эса, Марказий Фарғонанинг қўриқ ерлар ўзлаштириладиган зонасида янги совхозлар учун посёлкалар барпо этиш билан шуғулланади. Андижон областида янги районлар тузилиши муносабати билан Марҳамат ва Пахтаобод колхозлараро қурилиш ташкилотлари тузилди.

Янги ташкилотларнинг беш йиллик биринчи йилидаги иш ҳажми бир миллион сўмдан ортиқроқ миқдорда белгиланди.

МЕЛИОРАТОРЛАРНИНГ ҚИШКИ ИШЛАРИ

Қорақалпоғистон гидромеханизаторлари ирригация каналларини кузги-қишки тозалаш планини Ўзбекистонда ҳаммадан олдин бажардилар. Улар зовурларнинг тубида тўпланиб қолган лойқаларни ер қазийдиган техника ёрдамида мисли кўрилмаган қисқа вақтда четга чиқариб ташладилар. 10 миллион куб метрдан ортиқ лойқа четга чиқариб ташланди. Тозаланган канал, зовурлардан Амударё суви шарқираб оқа бошлади.

Хоразм, Бухоро областларида ҳам суғориш шохобчаларини тозалаш тамомланди. Сирдарё областининг хўжаликлари қишки шўр ювишни тамомламоқдалар. Ҳозир сўнгги ўн минг гектар шўрхок майдоннинг шўри ювилмоқда.

(ЎзТАГ).

Фотолавҳалар

ЖАҲОНДА ЭНГ ЙИРИК КОРХОНА

Навқирон Навоийда минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича энг йирик химия корхоналаридан бири бўлган химия комбинатининг учинчи навбати ҳам ишга туширилди. Узоқдан боқар экансиз, Навоий химия комбинатининг бутун кўрк-салобати намоён бўлади. Уни муваффақиятли ишга туширишда юзлаб қурувчилар, монтажчилар, шарафли касб эгалари мардонавор меҳнат қилдилар. Учинчи навбат ҳам аммиак селитраси бера бошлади.

Учинчи навбат аммиак цехи, азот кислотаси ва аммиак селитраси цехларидан ҳамда ёрдамчи участкалардан иборатдир. Комбинатнинг бу навбати батамом янги лойиҳа асосида қад кўтарди. У биринчи ва иккинчи навбатдан кескин фарқ қилади. Бу ерда меҳнат қилган қурувчилар коллективи корхонада меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши учун барча чораларни кўрдилар. Улар орасида айниқса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор монтажчилар бригадаси бошлиғи В. Захаров, Меҳнат Қизил байроқ орденли В. Середа, монтажчилар В. Хананин, Р. Хайруллин ва бошқалар зўр ҳиммат ва ташаббус кўрсатиб ишладилар.

Комбинатнинг бу навбатида дастлабки маҳсулот ишлаб чиқариш шарафига А. Мусабоев, М. Жилина сменалари, катта аппаратчи А. Котов, технорук Ю. Трайнислар муяссар бўлдилар. Илк маҳсулот муваффақиятли олинди. Эндиликда бу комбинат фақат Бухоро областининг хўжаликларигагина эмас, республикамизнинг колхоз-совхозларига ҳам кўплаб минерал ўғит етказиб беришга қодир. Учинчи навбат фойдаланишга топширилиши билан Навоий химия комбинати минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда энг йирик корхоналар сафига ўтди. Бу ерда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда барча аппаратчи, оператор машинист, электрослесарь ва бошқалар намунали меҳнат қилишяпти.

Суратларда: (юқоридан биринчи) комбинат учинчи навбати ишлаб чиқариш участкаларидан бирида. (Ўртадаги суратда) катта аппаратчи Азим Иброҳимов, пастдаги суратда эса кран машинисти Сергей Панкратов ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Усмонов фотоси, (ЎзТАГ).

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

Н. В. ПОДГОРНИЙ БИЛАН АНВАР САДАТ ИСКАНДАРИЯДА

ИСКАНДАРИЯ, 18 январь. **(ТАСС махсус мухбири)** СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Анвар Садат 17 январда махсус поездда Искандарияга келишди. Искандария ўзининг катталиги жиҳатдан Бирлашган Араб Республикасининг иккинчи шаҳри ва энг катта порти деб ҳисобланади.

Н. В. Подгорний Қоҳирадан жўнаб кетмасдан бир кун олдин Бирлашган Араб Республикасида ишлаётган совет мутахассислари билан учрашиб суҳбатлашди.

Қоҳирадан Искандарияга бораётган йўл устида Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикасининг давлат байроқлари, табрик шиорлари билан безатилган Бенха, Танта, Даманхур шаҳарларида, вокзалларнинг перронларида минглаб аҳоли олий совет меҳмонини қизғин табриклаб қолишди.

Искандария вокзалида Н. В. Подгорнийни Анвар Садатни ва уларнинг ҳамроҳлари бўлган расмий кишиларни Искандария вилоятининг губернатори Мамдух Салим, Араб Социалистик Иттифоқи Искандария вилоят ижроия комитетининг секретари Исо Шоҳин, миллат мажлисининг депутатлари ва бошқа расмий кишилар, Искандариянинг жуда кўп аҳолиси кутиб олишди.

Н. В. Подгорний, Анвар Садат ва уларга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар вокзалдан чиқиб, Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилган Искандария кемасозлик корхонасига боришди.

Улар бораётган йўлнинг ҳаммасида ўн минглаб Искандарияликлар меҳмонларни табриклаб туришди. Шаҳар Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикасининг байроқлари билан, «Искандария Н. В. Подгорнийни табриклайди», «Баланд Асвон тўғони — Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ҳамкорлигининг рамзи», «Бизнинг дўстлигимиз — тинчликни мустаҳкамловчи кучдир!,» «Яшасин Миср халқининг самимий дўсти бўлган Совет Иттифоқи!» деган сўзлар ёзилган транспарантлар ва табрик шиорлари билан безатилган эди.

Кемасозлик корхонасида оммавий митинг бўлди. Н. В. Подгорний ва Анвар Садат нутқ сўзладилар.

Н. В. Подгорний Искандария кемасозлик корхонасининг ишчилари Совет давлати вакилларини хушнудлик билан кутиб олганликлари учун самимий ташаккур изҳор қилди.

Бирлашган Араб Республикасининг раҳбарлари билан бўлган суҳбатларда, республика аҳолиси билан бўлган учрашувларда, — деди Н. В. Подгорний, — биз иккала мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга астойдил интилиш борлигини ва икки ўртадаги самимий дўстлик кўринишларини ҳар доим ҳис қилмоқдамиз.

Давлатларимиз ва халқларимизнинг дўстлиги жаҳон социализмининг миллий-озодлик ҳаракати кучлари билан иттифоқи тўғрисида Ленин ғояларининг амалдаги ифодасидир. Бу дўстлик империализмга қарши биргаликда олиб бораётган курашимизга ёрдамлашмоқда, Бирлашган Араб Республикасининг сиёсий суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг социал тараққиётига кўмаклашмоқда.

Миср халқи, мамлакатнинг ишчилар синфи янги турмуш қуриш йўлида олға боришга маҳкам бел боғлаганлигини исботловчи янгидан-янги далилларни биз Бирлашган Араб Республикасида туриб ўз кўзимиз билан кўрдик. Булар қандай натижалар бераётганлиги аён бўлиб турибди. Асвондаги улуғвор гидроэнергетика комплекси, Хелвондаги металлургия заводи, сизларнинг кемасозлик заводингиз, яқин ўтмишда чўлбиёбон бўлиб ётган ва эндиликда боғ-бўстонга айлантирилган минг-минглаб гектар ерлар халқнинг меҳнат шижоатини ўзида гавдалантириб турибди, мана шу заводлар ва электр станцияларни ўз қўли билан қурган ва ишга туширган, далаларни экинзорларга айлантирган кишиларнинг ақлзаковатини, шонли меҳнатни ифодалаб турибди.

1952 йилги миллий-озодлик инқилоби натижасидагина Миср халқининг, Бирлашган Араб Республикаси ишчилар синфининг ҳаётида мана шундай катта яхши ўзгаришлар рўй берди. Бу инқилобга араб халқининг атоқли фарзанди, унутилмас президент Жамол Абдил Носир раҳбарлик қилди.

Бу инқилоб фақат Миср халқи тарихидагина эмас, шу билан бирга бутун араб шарқи тарихида ҳам янги босқични бошлаб берди.

Июль инқилоби Миср халқининг империалистик ҳукмронлик кишанларидан қутулиб чиқишга, ажнабийларнинг мамлакатдаги ҳукмронлигини тугатишга имкон берди, халқнинг ижодкор кучларини асоратдан бўшатди, миллий тикланиш учун қулай имконият яратиб берди республика раҳбарлигининг таянчи бўлган ишчилар синфи, деҳқонлар, илғор зиёлилар ва бошка ватанпарвар кучлар актив фаолиятга кенг қўшилганлиги прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақиятини таъминламоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, биз Бирлашган Араб Республикасида рўй бераётган ўзгаришларни муайян қийинчиликлар мураккаблаштираётганлигини яхши биламиз. Бу қийинчиликларнинг кўпчилиги ўтмишнинг оғир мероси сабабли туғилмоқда, умри тугаган эскиликлар емирилаётганлиги сабабли келиб чиқмоқда. Капиталлар етишмаяпти, мутахассислар кам, иқтисодий ва маданий ривожланишнинг бошқа катта-кичик проблемалари ҳам пайдо бўлиб турибди. Бу қийинчиликлар ўтиб кетадиган қийинчиликлар эканлиги шубҳасиз. Бироқ ички реакциянинг ва ташқи империалист кучларининг кирдикорлари бу қийинчиликларни чуқурлаштирмоқда. Ҳаммага маълумки, июль инқилобининг ғалабасидан кейин ўтган 18 йил ичида империалистлар мамлакатнинг социал тараққиёт ва мустақиллик йўлидан ривожланишига халақит беришга интилиб, Бирлашган Араб Республикасига хиёнаткорлик билан икки марта тажовуз қилди.

Бирлашган Араб Республикасининг ривожланиб, олға бораётган халқи дуч келаётган проблемаларни биз Совет Иттифоқида жуда яхши тушуниб турибмиз ва унга мана шу йўлдан боришида ёрдамлашмоқдамиз.

Империализмнинг ва улар билан чамбарчас боғлангна Исроил ҳукмрон доираларининг агрессив ҳаракатларини даф қилиш ишида совет кишилари ҳар доим араб халқларининг томонини олиб келдилар ва ҳозир ҳам шундай қилмоқдалар.

Бизнинг давлатимиз тарихида ҳам шундан қолишмайдиган жиддий қийинчиликлар бўлган эди. Чет эл интервенцияси ва граждан уруши сабабли вужудга келган иқтисодий вайронгарчиликни, империалистик блокаданинг турли хилларини, герман фашизмига қарши олиб борилган шиддатли урушни бошимиздан кечирганмиз.

Совет халқи жуда катта қийинчиликларни енгиб, Коммунистик партия раҳбарлигида атиги 53 йил ичида помешчик-капиталистик тузумдан ривожланган социалистик жамиятга олиб келган ғоят зўр тарихий йўлни босиб ўтди. Замонавий саноат вужудга келтирилди, қишлоқ хўжалиги коллектив негизда қайта қурилди, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини анча оширишга муваффақ бўлинди.

Совет Иттифоқи сизларнинг мамлакатингиздаги ёки Африка ва Осиёнинг бошқа мамлакатларидаги мавжуд шароитга қараганда ҳам анча қийин шароитда ривожланиб борди. Биз империалистик давлатлар қуршовида қолган эдик. Сизларнинг бўлса, дўстларингиз кўп, улар сизларга ёрдам беришга тайёр ва қодир. СССР халқ хўжалигининг муваффақиятлари бошқа давлатлар билан бўлгани каби Бирлашган Араб Республикаси билан ҳам иқтисодий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада кенгайтирмоқ учун моддий шарт-шароит яратиб бермоқда.

Бизнинг мамлакатимиз қандайдир ошиқча капиталлари ҳисобидан ёрдам бераётгани йўқ. Бизнинг унақа ошиқча капиталларимиз йўқ. Ёш мустақил давлатларнинг тезроқ ривожланишига кўмаклашайлик деган мақсад билан биз бир мунча моддий сарфлар қилишдан қайтмаётирмиз. Ўз-ўзидан маълумки, биз ўзимиз учун фақат бирор манфаат кўзлаб бундай сарфларни қилаётганимиз йўқ. Буни Мисрдаги дўстларимиз яхши билишади.

Исроил империализмининг агрессиясига зарба беришда, мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда, Бирлашган Араб Республикаси учун зарур заводлар ва фабрикаларни қуришда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда совет кишилари Миср халқига бундан буён ҳам имкониятлари борича ёрдам беришга тайёрдирлар. Биз Совет—Миср дўстлиги билан фахрланамиз, бу дўстликни муносабатларимизнинг жуда муҳим омили деб ҳисоблаймиз.

Бизларнинг мамлакатларимиз дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантира ва мустаҳкамлайверишга қатъий ният қилиб қўйганлар. Буни шу кунларда Бирлашган Араб Республикасининг Президенти, қалин дўстимиз Анвар Садат бошчилигидаги Бирлашган Араб Республикасининг раҳбарлари билан олиб борган музокараларимиз ва суҳбатларимиз яна бир марта яққол кўрсатди.

Пировардида Н. В. Подгорний митингда тўпланганларга меҳнатда катта муваффақиятлар тилади, уларнинг оилаларига бахт-саодат, Бирлашган Араб Республикасининг дўстона халқига равнақ тилади.

Сўнгра митингда Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Анвар Садат нутқ сўзлади.

Беғараз ҳамкорлик туфайли, деди у, Миср халқининг фақат орзусигина бўлиб келган режаларни совет мутахассислари биз билан бирга рўёбга чиқардилар.

Президент Носирнинг мамлакат учун индустрия яратиб бериш тўғрисидаги орзуси бугунги кунда рўёбга чиқмоқда. Бу ғоя ҳозирги кунда амалга оширилмоқда.

Мен шуни уқтириб ўтмоқчиманки, деб давом қилди А. Садат, Совет Иттифоқи биз билан бирга бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан бизга ёрдам бериб турди.

Бизга мадад бериб, заводларимизни қуришга ёрдамлашаётган, суверен давлатимизнинг негизини қуришга ёрдам берган Л. И. Брежнев билан А. Н. Косигинга, қардош совет халқига бизнинг миннатдорчилигимизни топширишингизни илтимос қиламан. Биз совет халқининг ҳамиша содиқ дўстлари бўлиб қоламиз, чунки мушкул пайтларда бизни қўллабқувватлаганлардан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Буни Н. В. Подгорний совет халқига бориб айтишини истар эдим.

Митинг қатнашчилари нутқларни гулдурос олқишлар билан ва Совет—Араб дўстлиги шарафига айтилган хитоблар билан кутиб олишди.

Митинг қатнашчиларининг олқишлари ва Араб—Совет дўстлиги шарафига айтилаётган табрик хитоблари остида Н. В. Подгорний кемасозлик корхонасининг коллективига совет ишчилари ва олимлари меҳнати ва фикрининг рамзи ифодаси тариқасида «Венера-7» автомат космик станциясининг моделини тортиқ қилди.

ОЙ ТРАССАСИНИНГ ТЎРТИНЧИ КИЛОМЕТРИ

ОЛИС КОСМИК МАРКАЗИ, 17 январь. (ТАСС). 1971 йил 17 январга ўтар кечаси «Луноход-1» билан 42-марта алоқа сеанси ўтказилди.

Ўзи юрар аппарат ғарби-шимол томон ҳаракат қилиб, 254 метр йўл босди. Сеанс бошланган пайтда луноход кратерлари кўп бўлган жойдан ўтиб бормоқда эди, сўнгра у юзаси бир неча текисроқ бўлган жойга чиқиб олиб, иккинчи ой кунидаги трассага яқинлашди. Телевизион тасвирларда ва фото телевизион манзараларда луноход зиракларининг бундан бир ойдан кўпроқ бурун қолдирган излари аниқ кўриниб турибди.

Сеанс вақтида Ой юзасидаги характерли тўсиқларни енгиб ва четлаб ўтиш ҳаракатларини пишиқтириш давом эттирилди.

Телеметрик ўлчов маълумотларига қараганда, ўзи юрар аппаратнинг асбоблар жойлаштирилган бўлмасидаги температура цельсий билан 25 градусга, босим — симоб устунининг 769 миллиметрига тенг эди.

Сеанс икки соату 32 минут давом этди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ПРИНЦИПИАЛ ТАНҚИД РУҲИДА

САМАРҚАНД

Коммунистларнинг бурчи — ўз ҳаракатининг занф томонлари ҳақида индамай ўтишда эмас, балки бу камчиликлардан тезроқ ва батамом ҳоли бўлиш учун уларни очиқ-ойдин танқид қилишдадир.

В. И. ЛЕНИН.

Делегатлар улуғ доҳиймизнинг ана шу мўътабар сўзларини дилга жо этиб область конференциясига тўпландилар. Яқинда Самарқанд область партия комитетининг комплекс ҳисоботи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросида эшитилган эди. Конференцияда ҳисобот доклади қилган обкомнинг биринчи секретари С. Н. Усмонов таъкидлаб ўтдики, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюросида обкомнинг ҳисоботи эшитилиши область партия ташкилоти ҳаётида катта воқеа бўлди. Биз буни область партия комитетининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлигини янада такомиллаштириш бобида катта ғамхўрлик бўлди деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни таъкидлаб ўтдики, КПСС Марказий Комитети 1964 йил Октябрь Пленуми ва партиянинг XXIII съездидан кейин ўтган даврда область партия ташкилотида партия ички демократияси янада ривожланди, партия турмушининг ленинча нормаларига, партиявий раҳбарлик принципларига янада қатъийроқ риоя қилина бошлади. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг обрўси, роли ва таъсири кучайди, уларнинг омма билан алоқаси тағин ҳам мустаҳкамланди. Ана шу шароитларда область партия комитети ўз ишининг услуб ва методларини такомиллаштиришга ҳаракат қилди, хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ижодий ҳал эта борди. Областнинг партия ташкилотлари бир қанча фойдали ташаббусларни кўтариб чиқдилар. Перспектив планлаштириш кенг ёйилди, экономика ва партиявий-ташкилий иш кабинетларининг кенг тармоғи бунёд этилди, партия қурилишининг назария ва практикасини, иқтисодий билимларни пропаганда қилиш кучайди.

Область меҳнаткашлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида КПСС XXIII съезди ва партиямиз Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини бажара бориб, саккизинчи беш йиллик вазифаларини бажаришда муайян муваффақиятларга эришдилар. Область меҳнаткашлари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, йўл қурилиши, элетрлаштириш, қишлоқда капитал қурилиш ва коммунал хўжалик соҳасида беш йиллик учун белгиланган топшириқларни муддатидан илгари бажардилар.

— Ишчи синфимиз, колхозчи деҳқонларимиз ва зиёлиларимизнинг муваффақиятлари ҳақида анчагина гапириш мумкин, — деди докладчи, — лекин биз ушбу конференциямизда асосий диққат-эътиборимизни ҳали ҳал бўлмаган муаммоларга, йўл қўйилган камчиликларга қаратишимиз ҳамда халқ хўжалигига партиявий раҳбарликни янада яхшилаш йўл-йўриқларини белгилаб олишимиз керак.

Область саноатида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайди. Бунинг оқибатида агар республика саноатида беш йиллик мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 35,5 процент ортган бўлса, областда бор-йўғи 29 процент кўпайди, холос. Бунинг бош сабаби шундаки, обком, шаҳарком ва район партия комитетлари саноатнинг етакчи тармоқлари ишини суст таҳлил этмоқдалар, бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг диққат-эътиборини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ва иқтисодий ислоҳот шароитида рўёбга чиқаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга етарлича тортмаётирлар.

Кўпгина корхоналарда айниқса, давлат планларини адо этолмаётган завод, фабрикаларда ишлаб чиқаришни уюштириш борасида жиддий камчиликлар бор, бу корхоналарда ускуналар бениш тўхтаб қолмоқда, иш вақти исроф қилиняпти. Масалан, Самарқанд суперфосфат заводида кейинги йилларда сульфат кислотаси ва фосфат ўғитлари тайёрлаш кескин камайиб кетди. Ана шу завод ўтган область партия конференциясида ҳам танқид қилинган эди. Лекин иш ўнгланиб кетмади. Самарқанд шаҳар партия комитети ўз қарорларининг бажарилишини пухта назорат қилмади. Суперфосфат заводининг раҳбарлари ва корхона коммунистлари қаттиқ партиявий талабчанлик билан иш юритмади.

Область саноатининг йирик тармоғи бўлган пахта тозалаш заводлари ишида ҳам жиддий камчиликлар бор. Бу тармоқ корхоналарида ускуналардан ёмон фойдаланилмоқда. Пахта заводлари асосий кўрсаткичлар бўйича беш йиллик планни адо этолмади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, пахта заводларнинг ёмон ишлаётганлиги учун район партия комитетлари ҳам жавобгардирлар. Нарпай, Пастдарғом, Булунғур район партия комитетлари, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳар партия комитетлари пахта заводлари ишига қониқарсиз раҳбарлик қилдилар.

Область саноати ишидаги яна бир жиддий камчилик шундаки, асосий ишлаб чиқариш фондлардан фойдаланиш самараси пасайиб кетди. Ўтган беш йилликда саноатнинг деярли ҳамма тармоқларида фондлардан фойдаланиш ёмонлашди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ускуналар кўп вақт бекор туриб қолмоқда. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қўпол равишда бузиляпти. Кадрларнинг қўнимсизлиги авж олган, ишчиларга қулай маданий-маиший шароитлар яратиб беришда ҳам камчиликлар бор.

Саноат ишида бу ва бошқа жиддий камчиликлар рўй беришига шу нарса сабаб бўлдики, область партия комитети ва унинг бюроси шаҳар ва район партия комитетларидан саноат иши учун қаттиқ жавобгарлик талаб этмадилар. Маълумки, Самарқанд шаҳрида областдаги корхоналарнинг учдан икки қисми ишлаб турибди. Лекин Самарқанд шаҳар партия комитетининг ҳисоботи обкомнинг бюросида бирон марта ҳам эшитилгани йўқ.

Капитал қурилишдаги энг катта камчилик шундаки, беш йиллик мобайнида ажратилган капитал маблағлар тўла-тўкис ўзлаштирилмай қолди, кўзда тутилган асосий фондларнинг ҳаммаси ишга солинмади. Уй-жой қурилиши айниқса қониқарсиз бормоқда. Ўтган беш йил мобайнида планда кўзда тутилганидан бир неча ўн минг квадрат метр уй-жой кам қурилди.

Капитал қурилиши соҳасида катта камчиликлар борлиги учун Самарқанд шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети ҳам жавобгардир. Улар бу ишга юзаки ва ишнинг кўзини билмай раҳбарлик қилмоқдалар. Қурилиш ташкилотлари ишига етарли принципиал баҳо бермаётирлар, бинокорлар орасида ташкилотчилик ва сиёсий ишни яхшилашда бошланғич партия ташкилотларига зарур ёрдам кўрсатмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросида обкомнинг комплекс ҳисоботи эшитилганида таъкидлаб ўтилганидек, областда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун мавжуд бўлган қулай тупроқ иқлим шароитлари ва моддий-техника базасидан тўла фойдаланилмаётир.

Областда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўн тўрт хили етиштирилади. Беш йиллик мобайнида шу маҳсулотларнинг фақат олти тури бўйича белгиланган планлар адо этилди, холос. Областда пахтанинг ҳосилдорлиги ва чорвачиликнинг маҳсулдорлиги анча паст. Ана шу кўрсаткичлар бўйича Самарқанд области республикадаги ўртача кўрсаткичлардан ҳам орқада қолмоқда.

Кўпгина район партия комитетлари айрим хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг пахтани машинада териш бобидаги хатти-ҳаракатлари билан муросасозлик қилиб келмоқдалар. Бунинг оқибатида пахтачиликдаги йиғим-теримдек сермеҳнат ишни механизациялаш суст бормоқда. Машинада пахта териш планини фақат 30 хўжалик бажарди, холос.

Қишлоқ хўжалигидаги жиддий камчиликлар рўй беришининг асосий сабаби шундаки, кўпгина район партия комитетлари ва хўжалик раҳбарлари ютуқларни кўз-кўз қилавердилар-у, камчиликларга лом-мим демадилар, баъзан эса ана шу камчиликларни кўра олмадилар. Район партия комитетлари ва хўжалик раҳбарлари суғориладиган ҳар бир гектар ердан мўл ҳосил ва демакки, катта фойда олиш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари рентабел бўлиши тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмадилар.

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги катта ва мураккаб вазифаларни бажармоқ учун область партия ташкилотлари хўжаликларга раҳбарликнинг услуб ва методларни, қишлоқда ғоявий-сиёсий ва ташкилий иш олиб боришни тубдан қайта қуришлари, кадрларга талабчанликни оширишлари, топширилган иш учун шахсий жавобгарликни кўтаришлари, партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилинишига ва давлат планларининг бажарилишига эришишлари лозим.

Ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилотларининг сони кўпайди ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Сўнгги беш йилда партияга 9500 киши қабул қилинди. Область партия ташкилотида ишчиларнинг салмоғи 21,4 процентдан 24 процентгача кўтарилди. Коммунистларнинг 40 проценти олий, тўлиқсиз олий ва ўрта махсус маълумотга эга.

Область партия конференциясида сўзга чиққан делегатлар ҳам партия ташкилотининг ишини чуқур таҳлил этдилар. Йўл қўйилаётган камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида очиқ-ойдин очиб ташладилар, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни янада яхшилаш ва такомиллаштириш бобида қимматли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **М. Ҳантов** шаҳар хўжалиги ишини чуқур таҳлил қилиб берди, саноат, қурилиш ишида рўй бераётган жиддий камчиликлар учун бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар партия комитети ҳам жавобгардир, деб уқтирди. Шаҳар саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш ҳақининг ўсишидан икки баравар орқада қолмоқда. Нотиқ область маҳаллий саноати бошқармаси раҳбарлари шаънига ҳам танқидий гаплар айтди. Бу бошқарма раҳбарлари ўз қарамоғидаги корхоналарга малакали раҳбарлик қилмаётирлар, бунинг устига, ишни эплолмагани учун вазифасидан озод қилинган кишиларни ўз панохларига олиб, раҳбарлик лавозимига тайин этмоқдалар.

Ўртоқ Ҳантов область партия комитетининг енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда агитация ва пропаганда бўлимларининг ходимлари шаҳар партия комитетига конкрет ёрдам бермаётганликлари учун танқид қилди. Нотиқ шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни ҳам ўртага қўйди.

Пастдарғом район партия комитетининг биринчи секретари **У. Шоражабов** район меҳнаткашларнинг партия ташкилотлари раҳбарлигида мўл пахта ҳосили учун олиб бораётган кураши ҳақида гапирди. Район икки йилдан бери планни бажара олмас эди. 1970 йилда давлатга 50 минг тонна пахта топширилиб, деҳқонларнинг юзи ёруғ бўлди. Районда вилт билан зарарланган ерлар 60 процентга етган эди. Хўжаликни омилкорлик билан юритиш туфайли вилт билан касалланган майдонлар деярли икки баравар камайди. Бу — илғор тажриба ва фан ютуқларини қўллаш шарофатидир. Нотиқ районда чорвачилик ҳам рентабел тармоққа айлантирилганлигини кўрсатиб ўтди.

Пайариқ район партия комитетининг биринчи секретари **А. Мелиев** область партия комитети янги ерларни ўзлаштириш ҳақидаги ўз қарорлари қандай бажарилаётганини суст назорат қилаётганини айтиб ўтди. Дарҳақиқат янги ерлар ўзлаштирилган, аммо уларда ҳосилдорлик гектар бошига 10-12 центнердан ошмайди. Янги ерларда ҳосилдорликни кўтармоқ учун етарли моддий-техника базасига эга эмасмиз. Нотиқ айрим область ташкилотларини, хусусан область совхозлар трестини танқид қилди. Бу трест хўжаликларга конкрет ёрдам кўрсатмади.

Конференцияда 24 делегат сўзлади. Улар одамларни текшириш ва ишнинг амалда бажарилишини текшириш керак, бутун сиёсатнинг, бутун ишнинг мағзи ана шунда, худди ана шунда ва фақат шундадир, деган ленинча принципга амал қилиб, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликдаги тажрибани умумлаштирдилар, камчиликларни партиявий принципиаллик билан очиб ташладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. Г. Ломоносов** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференция область партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини, КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездига делегатлар сайлади.

Янги сайланган область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. **С. Н. Усмонов** Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари, **И. К. Титков** иккинчи секретари, **А. Каримов, Х. Ю. Аслиддинова, Қ. М. Камолов** обком секретарлари этиб сайланди.

Л. ЭРГАШЕВ,
А. АБДУҚОДИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

ҚАШҚАДАРЁ

Партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишда ленинча донолик, ақл-идрок, ленинча услуб, принципиаллик ва ташкилотчилик коммунистик қурилишдаги барча муваффақиятларимизнинг гарови эканлигини жўшқин ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда. Буни яхши англагач Қашқадарё область партия ташкилотлари халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида муайян ютуқларни қўлга киритдилар.

Партия ташкилотлари область меҳнаткашларини халқ хўжалиги вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этдилар, коммунистларнинг авангардлик роли ҳар қачонгидан оширилди. кадрларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди. Ҳар бир масала коллектив равишда ҳал қилинаётганлиги, партия ҳаётида ленинча нормаларга қатъий риоя этилаётганлиги ажойиб самаралар кўрсатаётир.

Қашқадарёликлар саноат ва қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўйича беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари ошириб адо этдилар. Саноат, транспорт, қурилиш объектларидаги ишларнинг кўлами кескин кўпайди. Беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 60 процент, меҳнат унумдорлиги 27 процент ортди.

Яқинда бўлиб ўтган область партия конференциясида ана шулар ҳақида батафсил гапирилди. Коммунистларнинг бу анжуманида ҳисобот доклади қилган обкомнинг биринчи секретари **Р. Ғойибов** Қашқадарё коммунистлари ўзларининг XII конференцияларига Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига ҳар қачонгидан мустаҳкам жипслашган ҳолда келганликларини, КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш соҳасида ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётганликларини гапирди.

Докладчи халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида қозонилган ғалабаларга делегатлар эътиборини жалб этди. Ҳисобот даврида 12 минг километр узунликда электр узатиш линиялари тортилганлиги, 68 та подстанция қурилганлиги, айниқса, Навоий — Қарши электр узатиш линияси иккинчи навбати фойдаланишга топширилганлиги ленинча ГОЭЛРО планининг Қашқадарёда тантана қилаётганлигининг ёрқин тимсолидир.

Қарши — Самарқанд темир йўлининг қурилиши биргина Қашқадарё воҳаси меҳнаткашлари ҳаётида эмас, балки бутун Ўрта Осиё темир йўли қурилишида жуда катта роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Қарши чўлини ўзлаштириш ва суғоришни тезлаштириш ҳақида 1970 йил 25 июнда махсус қарор қабул қилдилар. Ана шу тарихий ҳужжатга асосан даштнинг биринчи навбатини ўзлаштиришга 630 миллион сўм ажратилди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу қарорини жанговар иш программаси деб қабул қилган Қашқадарё комунистлари 1975 йилга қадар 85 минг гектар ер ўзлаштирамиз ва мамлакатга 100 минг тонна чўл дурдонаси етказиб берамиз, дейишяпти.

Чўлни ўзлаштиришга даъват этилган «Қаршистрой» бошқармасининг 11 минг кишилик коллективи ҳозиргача 211 миллион сўмдан зиёдроқ капитал маблағни ўзлаштирди. Қарши магистрал канали, насос станциялари, коллекторлар ва бошқа иншоотлар қурилишида қарийб 800 коммунист бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Қишлоқ хўжалигини, унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг қандай самара бераётганлиги конференция делегатларининг диққат марказида бўлди. Ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот етиштириш 34 процент кўпайди.

Қашқадарё областининг колхоз ва совхозлари беш йил мобайнида она-Ватанга 1 миллион 250 минг тонна пахта армуғон этдилар. Бу, планда кўзда тутилганидан 190 минг тонна кўпдир.

Қашқадарё иқлими, унинг табиий шароити ингичка толали пахта етиштиришга жуда мос. Шунга кўра кейинги йилларда қатор хўжаликлар бу қимматли саноат хом ашёсини кўпроқ етиштиришга ихтисослаштирилди. Тажриба ажойиб самаралар бермоқда.

Воҳада пахта усталари, ўз касбининг академиклари кўп. Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи Назар Мейлиқулов, Яккабоғ районидаги Калинин номли колхоздан Усмон Қудратов, Китоб районидаги Куйбишев номли колхоздан Исомиддин Раҳмонов, Косон районидаги Ленин номли совхоздан Холиёр Даминов ва бошқа ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳар гектар ердан 50 центнердан ошириб хирмон кўтаришди.

Ҳисобот докладида бошқа соҳаларни ҳам бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш қандай натижа бераётганлиги, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш органлари, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш муассасалари иши қандай йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, маҳаллий Советларнинг, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг, хотин-қизлар советларининг, бошқа жамоатчи ташкилотларнинг фаолияти ҳам тўла таҳлил қилиб берилди.

Шу билан бирга, область, Қарши шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишида ҳали ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги докладчи ва нотиқлар томонидан қаттиқ танқид қилинди.

Область бўйича 8 корхона, чунончи, Қарши ёғ-экстракция заводи, қурилиш материаллари комбинати, уй қурилиши комбинати, Қарши шаҳар ҳамда, Ғузор район маҳаллий саноат комбинатлари ва шу каби корхоналар беш йиллик план топшириқларини бажаришнинг уддасидан чиқа олмадилар.

Баъзи қурилиш ташкилотларида қўнимсизлик авжига чиққан. Биргина 13-қурилиш трестида (партия ташкилотининг секретари Х. Нуриев ва бошқарувчиси С. Г. Логвинов ўртоқлар) бултур 1447 киши ишга қабул қилиниб, 1471 киши ишдан бўшатиб юборилган. Лекин Қарши шаҳар партия комитети ҳам, область партия комитети ҳам бу қўнимсизликнинг туб сабабларини билан чинакамига шуғулланмаётир.

Партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашнинг жуда катта афзалликлари тўғрисида кўп гапиришади, бу ҳақда суҳбатлар, семинарлар ўтказишади, курсларнинг ишига раҳбарлик қилишади. Бу тадбирлар, сўзсиз ижобий натижа бераётганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ, айрим партия ташкилотларининг секретарлари, хўжаликларнинг раҳбарлари техникага нотўғри муносабатда бўлаётганликлари ҳам сир эмас. Бўлмаса, Қамаши районидаги «Фарғона» совхози ўтган йилги ялпи ҳосилнинг аранг 6 процентини машинада терармиди?! Агрегатларнинг иш унуми Чироқчи ва Қамаши районларида ҳам паст.

Конференция делегатлари чорвачиликда содир бўлаётган камчиликлар ҳақида ачиниб гапирдилар. Тўғри, 1968—1970 йилларда 1965—1967 йиллардагига нисбатан гўшт етиштириш 33 процент, сут — 41 процент, тухум — 28 процент кўпайди. Чорва моллар туёғи ўсди.

Афсуски, моллар маҳсулдорлиги камайиб боряпти.

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида ер ҳақида, уни эъзозлаш ва қадрлаш тўғрисида ҳаммага мақбул бўлган бағоят қимматли гаплар айтилди. Қашқадарё область партия конференцияси қатнашчилари ҳам ер-бойлигимиз манбаи эканлигини такрор-такрор уқдиришди. Минг афсуски, айрим хўжаликларда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланилаётгани йўқ.

Келинг, фактларга мурожаат қилайлик: областда ўтган йили суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 8,6 центнердан дон йиғиштириб олинди. Бу, ана шу ерларда етиштирилган пахта ҳосилига нисбатан уч баравардан кўпроқ камдир. Бошқа бир мисол: областда ҳар гектар ердаги пахтадан 1680 сўмлик махсулот олиняпти. Лекин, боғ ва сабзавот билан банд бўлган майдонлардан бунга нисбатан жуда кам маҳсулот етиштирилмоқда. Ҳар гектар ердаги сабзавотдан 565 сўмлик, ҳар гектар ердаги боғ ва токзордан 467 сўмлик маҳсулот олинаётганлигини нормал ҳол деб бўладими, ахир!

Китоб районидаги совхозлар ҳар гектар токзордан 22 тоннадан узум топшираётгани ҳолда, шу райондаги колхозлар гектар бошига бор-йўғи 3 тоннадан узум йиғиштириб оляптилар.

Кадрлар — партиянинг олтин фонди. Конференцияда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш хусусида яхши гаплар айтилди. Область халқ хўжалиги ишбилармон, малакали кадрлар билан асосан тўла таъминланган. Аммо ўз лавозимини суиистеъмол қиладиган, шахсий манфаатини коллектив манфаатидан устун қўядиган баъзи кишилар ҳам учраб туради. Файзулла Хўжаев номли совхознинг директори Эргаш Нурматов чорвачиликни барбод берган. У директорлик қилган йилларда хўжалик чорва маҳсулоти топшириш планларини бирор марта ҳам бажармаган. Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхознинг собиқ директори Аҳмад Маҳмадўстов ўз атрофига қариндош-уруғларини йиғиб олган, жамоат мулкининг талон-торож қилинишига йўл қўйган. Ғузор пахта тозалаш заводининг собиқ директори Н. Қодиров кўзбўямачиликка, қаллобликка, маишатпарастликка берилиб кетган.

Раҳбарлик ишига тасодифан келиб қолган бу шахсларнинг кирдикорлари кечикиб очиб ташланган. Тааллуқли партия ташкилотлари бу ишга лоқайдлик билан қараганлар.

Ҳисобот докладида, нотиқларнинг сўзларида партия сафлари илғор кишилар ҳисобига ўсганлиги, марксча-ленинча назарий меросни пропаганда қилишда, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни яхшилашда, лекция пропагандасини жонлантиришда анча ишлар қилинганлиги алоҳида тилга олинди. Халқ контроли органлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

— Қарши чўлида янгидан ташкил этилган Ульянов райони бепоён даштда бунёд этиладиган районларнинг тўнғичидир, — деди райкомнинг биринчи секретари **Х. Қўйбоқаров.** — Бултур гектаридан 26,2 центнердан дашт дурдонаси олинди. Бу йилги маррамиз — 50 минг тонна! Лекин, бир қатор мелиорация ишларини амалга оширишга тўғри келади. Сув хўжалиги ташкилотлари районимизга яқиндан ёрдам кўрсатишлари зарур.

Ўзбекистон КП Ғузор район комитетининг биринчи секретари **М. Аллаёров** бундай деди:

— Пачкамар сув омборининг фойдаланишга топширилиши пахтачиликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб берди. Ҳосилдорлик кейинги йилларда икки баравар кўпайди. Тупроқ структурасини яхшилаш мақсадида алмашлаб экишни жорий этяпмиз. Бу йил давлатга 32 минг тонна пахта етказиб берамиз.

Лекин, айрим хўжаликларда чорвачиликнинг аҳволи дуруст эмас. Масалан, «Оқработ» совхози бу соҳадан 436 минг сўм зарар кўрди. Бир центнер гўштнинг таннархи пландаги 117 сўм ўрнига 135 сўмни ташкил этди. Район партия комитети бундай аянчли аҳволга барҳам бериш мақсадида конкрет тадбирлар белгилаб, уларни амалга оширишга киришди.

Чироқчи районидаги «Москва» колхозининг механик-ҳайдовчиси **О. Тўйчиева** техника қудрати ҳақида, қўл меҳнати ўрнини механизмлар эгаллаётганлиги тўғрисида зўр ҳаяжон билан гапирди.

Қарши чўлининг истиқболи тўғрисида сўзлаган «Каршистрой» бошқармаси бош инженери **Н. Г. Каменев** қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш, машина канали ва насос станциялари қурилиши суръатини ошириш шу куннинг энг муҳим вазифасидир, деди.

Шаҳрисабз район партия комитетининг биринчи секретари **С. Усмонов,** 305-қурилиш поезди партия ташкилотининг секретари **А. Л. Путинцева,** область комсомол комитетининг биринчи секретари **С. Ражабов,** «Кашкадарьясельстрой» трестининг бошлиғи **С. Чегебоев,** Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз чўпони **М. Бухоров** ва бошқа делегатлар ҳам партиявий иш услубини такомиллаштириш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, съезд олди социалистик мусобақасини ҳар тарафлама авж олдириш, ҳар бир ишга ижодий ёндошиш, коммунистларда ташаббускорлик ҳислатларини тарбиялаш тўғрисида гапирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **И. Г. Анисимкин** қатнашди ва нутқ сўзлади. Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси ўртоқ **С. Зиёдуллаев** иштирок этди.

Конференцияда Қашқадарё область партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди ҳамда КПСС XXIV съездига делегатлар сайланди.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди.

Пленум **Р. Ғойибовни** Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари, **Г. Г. Светленкони** иккинчи секретари, **М. Худойқулов** ва **С. Муродовни** обком секретарлари этиб сайлади.

С. ҚОДИРОВ,
П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг 7-цехида кўплаб ёшлар ишлайди. Улар съездолди социалистик мусобақасига қўшилиб, смена топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Сиз суратда илғор ишчилардан (ўнгдан чапга) Л. Камолова, Е. Бодякова ва Л. Гирля ўртоқларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОНДА «ФАН КУНЛАРИ»

Республика Фанлар академиясининг вице президенти С. Х. Сирожиддинов бошчилигидаги Ўзбекистон олимларининг катта группаси Олмалиқдан Тошкентга қайтиб келди. Олимлар шаҳар партия хўжалик активлари йиғилишида лекциялар ўқиб, ўғитлар химиясини ривожлантириш, руда конларини ишлатиш, янги кибернетика системаларини яратиш соҳасида фаннинг энг янги муваффақиятларини гапириб бердилар.

Бу тўғрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари М. Н. Набиев, Ғ. О. Мавлонов, В. Қ. Қобулов ва республиканинг бошқа таниқли олимлари ахборот беришди. Химиявий ўғитлар заводида уларнинг иштироки билан Д. И. Менделеев номидаги химия жамиятининг сайёр илмий сессияси ўтказилди. Сессияда фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг турли масалаларига доир 14 та доклад муҳокама этилди. Тошкент медицина институтининг ректори, республика Фанлар академиясининг академиги К. А. Зуфаров, СССР Медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси Д. М. Мақсумов шаҳардаги даволаш муассасаларининг ходимлари билан учрашдилар.

Олимларнинг бундай коллектив сафарлари КПСС XXIV съездига бағишланган «Фан кунлари» муносабати билан ўтказилмоқда. Олимлар Самарқанд, Бухоро, Нукус, Урганч шаҳарларига бориб келишди. Бу шаҳарларда республика Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, академиянинг вице президенти И. М. Мўминов ва бошқа таниқли олимлар лекциялар ўқишди. Бу учрашувлар фан муваффақиятларини халқ хўжалигига тезроқ жорий қилиш, фан-техника тараққиёти вазифаларини амалга ошириш белгиси остида ўтказилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАЙҲУН БИЛАН ОЛИШУВ

Бу воқеа янги йил арафасида юз берди. Бухоро область суғориш системалари бошқармасига ташвишли хабар келди—Амударё Аму — Бухоро машина каналининг бош сув олувчи иншоотларидан бошқа томонга қараб оқа бошлади. Сувнинг келиши бирдан камайиб қолди. Бу воқеа далаларга яхоб берилаётган ҳозирги қизғин пайтда рўй берди!

— Уша кунлари бизга байрам қилиш қаёқда дейсиз, ҳозир ҳам далаларга кўпроқ сув тараш учун кураш давом этмоқда, — дейди «Бухараирстрой» тресги гидромеханизациялаштирилган Фароб участкасининг бошлиғи Я. Худойқулиев. — Биз декабрь ойининг бошларидаёқ сув олувчи иншоот қаршисида қум лойқалари пайдо бўла бошланганини пайқаган эдик. Кеча-кундузи ишлаб турган тўртта земснаряд ёнига яна иккитасини қўшиб қўйдик. Лекин Амударё тупроқни ювиб кетаверди. Икки километр нарига силжиб кетди. Лекин биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Сувни кўпайтириш учун капитал ремонтда турган яна олтита землесос агрегатини юбордик. Биз учун ана шу оғир кунларда қўшни туркман механизаторлари ёрдамга келишди. Улар иккита кучли землесос юборишди, чуқур траншея қазилди. Сувга йўл очилди. Лекин кураш давом этмоқда — дарёнинг ўжарлиги чексиздир.

... Дарёнинг тик баланд соҳилидан бебош дарё кўзга яхши ташланади. Уни қадимда Жайҳун — қутирган дарё деб бекорга айтишмаган.

— Қачонлардир сув худди мана шу оёғимиз остидан ўтган,— деб ҳикоя қилади бош иншоотнинг катта мутахассиси Раҳмат Иззатов. У канал ишга туширилганидан бери шу ерда меҳнат қилади. — Қарияларнинг айтишича, дарё ўзининг кўҳна ўзанини «қўмсаб» қолган. Ҳозир янги сув оладиган иншоот қурилаётган ва яқиндагина дарё оқиб ётган жойда қадимда қишлоқ бўлган экан. Буларнинг ҳаммасини дарè аста-секин ютиб юборган. Энди тағин қарама-қарши соҳилнинг пинжига қисилиб келмоқда. Аммо биз сув олдик, сув олишни давом эттираверамиз. Ҳозироқ Аму—Бухоро каналидан секундига 60-70 куб метр сув ўтади. Яқин кунларда нормани юз куб метрга етказамиз.

Пастда, тикка соҳилга ўрнатилган земснарядлар лойқа оқимларни чиқариб ташлаб, бир меъёрда ишлаяпти. Уларнинг моторини бир зум тўхтатиб қўйсангиз борми, дарё каналга қанчадан-қанча қумни куч билан пуркаб, тўлдириб юборади.

...Биз Фаробдан кун оққанда қайта бошладик. Йўлларнинг икки чеккасида пахта далалари бамисоли улкан кўзгудек ярқираб турарди, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари далаларни неча-кундузи суғориб, «оқ олтин»дан тағин мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратмоқдалар. Шу қишнинг қаҳратон кунларида қум бўронларида ўжар Жайҳун билан, деҳқонларга мўл-кўл сув берадиган дарё билан олишаётган земснарядлар экипажларининг аъзоларини келажак ҳосилнинг мўл бўлишида деҳқоннинг баб-баравар куч сарфлайдиган шериги деб ҳисоблаш мумкин.

С. КУЗНЕЦОВ.

Фароб. — Бухоро,
(ЎЗТАГ мухбири).
15 январь.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ЧЎПОНЛАР ХИЗМАТИДА



Совет кишилари қадимий Қизилқум чўлларини инсонга хизмат қилдирмоқдалар. Бу ерда кейинги вақтларда гўзал Навоий ва Зарафшон шаҳарлари бунёдга келди. Эндиликда бу шаҳарларда ўзбек химиклари, энергетиклари, олтин қазиб чиқарувчи қўли гул кишилар истиқомат қилишмоқда. Бу шаҳарлар ёнбағрида бағри кенг даштлар борки, бу ерларда минг-минглаб чорва моллари боқилмоқда. Бу ерда жаҳонга донғи кетган қоракўл терилари етказиб бераётган ажойиб хўжаликларнинг экономикаси мустаҳкамланмоқда.

Мана, Бухоро чўпонларининг кўплаб отарлари мавжуд бу ерларда ажойиб ўзгаришлар юз бермоқда. Қўйлар боқиладиган бу даштда чорвачиликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар вужудга келмоқда.

Бу ернинг табиати қиш келиши билан жуда ўзгариб кетади. Дашт бағрида тинимсиз шамоллар, бўронлар кўтарилади. Ана шундай кезларда чўпонлар учун жасорат ва мардлик кўрсатиш пайтлари келади. Шундай бўлса ҳам уларга ёрдам кўрсатиш, кўмак беришга тўғри келади. Шундай қилинмоқда ҳам. Бу соҳада шаҳарликлар ўрнак бўлишмоқда.

Зарафшон ва Навоий шаҳарларининг меҳнаткашлари кейинги йилларда қўшни чорвачилик колхозларига оталиқ ёрдами кўрсатишга одатланиб қолишди. Бу эса қишда ҳам қўйларнинг туёғини сақлаб қолиш, уларни қишдан нобуд қилмай чиқариб олишга катта ёрдам бермоқда. Яқинда олис Қизилқум бўйлаб қурувчиларнинг янги отряди йўл олди. Узоқ яйловларга қурувчилар келишди. Чорвачилик колхозлари ва совхозларида қўшимча равишда қўйхоналар ва чўпонлар учун ҳар томонлама қулайлиги бўлган уйлар қуришга киришилди.

Кейинги йилларда қурувчилар Жобой Балиманов номидаги хўжаликка катта ёрдам кўрсатишди. Томди районида жойлашган бу улкан чорвачилик колхозида сўнгги вақтда 4 та типовой қўйхона, унинг ёнида бир неча чўпон уйлари қад кўтарди. Бу йил ана шу хўжаликда қурилиш ишлари яна ҳам кенг қулоч ёяди. Бундай қурилишлардан хўжаликда яна 20 та бунёд этилади. Кейинги беш йиллик ичида эса Бухоро областидаги барча чўпонлар ҳар томонлама қулайлиги бўлган янги уй-жойлар билан таъминланадилар.

Қурувчилар чўпонларнинг ҳурмат ва олқишларига сазовор бўлмоқдалар. Жобой Балиманов номли колхозда қурилиш ишларини тез ва сифатли қилиб бажараётган қурувчилар бригадасининг бошлиғи Михаил Никитин, шофер Сергей Хуцистов, қурувчилардан Николай Сисоев, Василий Парносов ва Артур Вилковлар шижоаткорлик ва юксак дид билан ишлаб чўпонларга яхши хизмат қилмоқдалар.

Қизилқумда чўпонларга қўйхона ва шинам уйлар қуриб бераётган бундай қурувчилар бригадалари ва бинокорлар кўплаб топилади. ЎзТАГ фотомухбири Николай Ключнев олган бу суратларда (юқорида) Жобой Балиманов номли колхозда қурилиш ишлари олиб бораётган бригадир М. Никитин, шофер С. Хуцистов, қурувчилардан Н. Сисоев, В. Парносов ва А. Вилков ҳамда чўпонлар учун қурилган янги уйлар тасвирланган.

ТЎНҒИЧ ЗАВОД

Яқинда Косон районида пахта тозалаш заводи қуриб битказилди. Бу йирик иншоот қурилишида уч ярим йил ичида 4 миллион 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Янги заводни муддатидан олдин қуриб битказишда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 13-қурилиш тресги 6- механизациялашган колоннаси, «Узсантехмонтаж» трестининг техникалашган колоннаси, «Узтрансспецстрой» трестининг 130-механизациялашган колоннаси ва бошқа қурилиш-монтаж ташкилотларининг бунёдкорлари жонбозлик билан меҳнат қилдилар.

Завод ҳар йили 80 минг тоннадан ортиқ чўл пахтасини қайта ишлайди. Янги корхонага Иттифоқимизнинг турли саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган энг янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Пахтани қабул қилиш, цехларга ташиш ва ортиш ишларининг ҳаммаси механизациялаштирилган.

Келажакда Қарши чўлида бир қанча пахта тозалаш заводлари, ёғ-экстракция заводлари ва бошқа корхоналар қурилиб ишга туширилади. Косон пахта тозалаш заводи бу корхоналарнинг тўнғичидир.

П. ГАДОЕВ.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯХШИ ХУЛҚИНГ—КЎРКИНГ

ОИЛА ВА БУРЧ

Ота-оналик бўлмоқ буюк бахтдир. Бу бахтни камоли эҳтиром ила эъзозламоқ ва ардоқламоқ даркор. Ота-она шу қадар муътабар ва азиз зотки, унинг улуғлигини, муқаддас номини фахр билан тилга олмаган, ўз қалбига жо қилмаган инсон топилмаса керак. Оналар ҳақида гап кетганда қайиноналар ҳақида ҳам бир икки оғиз сўз айтмаслик мумкин эмас, албатта. Ахир, қайинона ҳам она-да! Унинг ҳам қадр-қиммати онанинг қадр-қимматидан мутлақо кам эмас. Ҳаётий мисолларга назар солайлик: Зулфия холанинг якка-ю ягона ўғли бор эди. Уни ўқитди, тарбиялади. Йигит ҳозирги вақтда «Ташсельмаш» заводида смена инженери бўлиб ишлайди. Она ўз ўғли севган қизни келин қилди. Келин ҳам мазкур заводда лаборант бўлиб ишлайди. Ешлар кетма кет уч фарзанд кўришди. Она невараларини ардоқлаб тарбиялай бошлади.

Кунлар, ойлар ўтди. Қайинона билан келиннинг аҳилликларини кўриб маҳалла-кўйдагилар жуда хурсанд эдилар. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, гап-сўзни яхши кўрадиган айрим таннозхон аёллар, хусусан, Зулфия холанинг бекорчи овсини қайинонага келинни, келинга эса қайинонани ёмон кўрсатиш мақсадида гап таший бошлади.

Зулфия хола унинг кўнглидаги кирни ақл кўзи билан тезда пайқаб олиб, аста уқтирди:

— Сиз мени ҳам ўзингизга ўхшатмоқчимисиз, овсинжон. Мана, сиз эшикма-эшик юриб, ўз келинингизни ёмонлайсиз. Ундан кўра бир-бирларингизга меҳр қўйиб, қайинона келин аҳил яшасангиз, болангизнинг болаларига қараб ўтирсангиз бўлмайдими?!

Шундай қилиб, Зулфия хола овсинининг таъзирини бериб қўйди.

Ҳеч шубҳасизки: «Ариқни сув, одамни одам бузади», — деганларидек, агар Зулфия хола бекорчиларнинг сўзига қулоқ солса, қайинона билан келин ўртасидаги дўстона муносабатлар ўрнини низо ва адоват эгаллаган бўларди.

Баъзибир шахслар фақат ўз ота-оналаринигина ҳурматлаб, қайинона, қайиноталарига ҳурмат билан қарамайдилар, уларнинг ўгит-насиҳатларига эътибор бермайдилар. Натижада, икки ўртадаги муносабатларга путур етади. Икки ўртадаги ҳурмат йўқолади.

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги хонадонларнинг бирида Турғунбой Азимов ва унинг хотини Ҳалима истиқомат қилади. Ҳалиманинг ўзи она. Аммо ҳамон қайинонанинг оналигини тан олмайди. Турғун ҳам онанинг ҳурматини бажо келтирмайди.

Қари она ёлғиз ўзи бир уйда ётади. Келин қайинона билан ойлаб, йиллаб сўзлашмайди. Қозон қайнатганида бир коса овқатни қайинонаси уйининг деразасига қўйиб кетади. Бу аҳволдан хабардор бўлган Турғун эса онаси билан хотинини бир муросага келтириш ҳақида ўйлаб кўрмайди.

Баъзибир ёш келинлар қайинона, қайинотани ёмон кўрадилар. Бундай келинларнинг таъбирича, қайинона ва қайинота келинга яхшиликни ҳеч раво кўрмас эмиш. Бу жуда нотўғри тушунча. Ҳақиқатда эса қайинота ва қайинона ҳам меҳрибон ота-она ҳисобланадилар. Улар ҳам ўз ўғил-қизларини ақлли-ҳушли, одобли, меҳрибон, хуллас, яхши одам бўлишларини, келажаги порлоқ бўлишини истайдилар. Ўз ўғиллари учун келган келинни ҳам фарзандлари қатори фарзандим деб қарайдилар. Фақат уларни ҳам ҳурмат қила билиш лозим.

Агроном Саодат опа ўзининг қайинона, қайинотаси ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Мен ёшлигимдаёқ ота-онамдан жудо бўлиб, болалар уйида тарбияландим. Ота-она меҳр-муҳаббатига, уларнинг илиқ сўзларига зор бўлиб ўсдим. Катта бўлсам ота-онаси бор йигитга турмушга чиқаман, ота-онасининг муҳаббатларига сазовор бўламан, деб ният қилган эдим. Қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини тугатганимда, ҳозирги умр йўлдошим Содиқ бир кун мендан у билан бирга бўлишимга розилигимни сўради. Мен унга биринчи бор: «Ота-онангиз борми? Улар мендек ҳеч кимсаси йўқ, етим қизни ёлғиз ўғилларига келин қилишга рози бўладиларми?» — деб сўрадим. Биз турмуш қурдик. Келин бўлиб, уларнинг меҳру мурувватларидан баҳраманд бўлдим.

Қайинота-қайинонамдан жуда-жуда миннатдорман. Бизнинг бу қадар аҳил яшаганимизга қўшниларимиз ҳам хурсанд. «Келин ҳам шундай бўладими, қиздан ҳам меҳрибон-а?» — дейишади. Ҳа, мен қайинота ва қайинонамга қиздек меҳрибончилик қиламан, чунки улар мен севган умр йўлдошим ва мени дўстим деб билган инсоннинг ота-онаси, демак, менинг ҳам ота-онам. Айтадиларки, қарс икки қўлдан чиқади. Худди шунга ўхшаш, ҳурмат ҳам икки томондан бўлади».

Лекин шундай келинлар ҳам борки, улар қайинота, қайиноналарини заррача менсимайдилар. Уларнинг ўгит-насиҳатларини ёқтирмайдилар, доно маслаҳатларига амал қилмайдилар. Ҳатто, баъзан: «Сизлар жим ўтиринглар, ҳар бир нарсага аралашаверманглар! Сизлар нимани тушунасиз?» — деб жеркиб ташлайдилар. Анча ёшга бориб қолган, катта ҳаёт йўлини босиб ўтиб, бой тажриба орттирган қайинота, қайиноналар ёш келиндан рўзғорда саранжом-саришталик бўлишини, исрофгарчиликка йўл қўйилмаслигини, болаларни ҳаддан ташқари эркалатиб талтайтирилмасликни талаб қиладилар. Баъзи келинлар буни англаб етмаганлари устига, кўпинча улардан нолиб юрадилар.

Айрим ҳолларда қайинота, қайинона ноҳақ бўладилар-да, ёшларнинг турмушларида келишмовчиликларнинг рўй беришига сабаб бўладилар. Оддий ишчи Самад ўз турмуши ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади: «Мен синфдошим Ҳурини севиб қолдим. У ота-онасининг ёлғиз фарзанди экан. Шунинг учун унга уйланувчи йигит унинг уйига, албатта, ичкуёв бўлиб бориши керак экан. Мен бунга кўндим. Лекин Ҳурининг ота-онаси уни аммасининг ўғлига фотиҳа қилмоқчи бўлди. Бироқ мен ва Ҳури ўз севгимизнинг жоҳил ота-оналар томонидан поймол қилинишига йўл қўймадик. Комсомол тўйи қилиб, бахтли ҳаётга қадам қўйдик. Ўшанда мен муродимга етдим, деб ўзимни чексиз бахтиёр ҳисобладим. Тўйнинг учинчи кунидан бошлабоқ қайинонам билан қайинотам ўз ҳунарларини кўрсата бошлашди. «Қизимни йўлдан урғансан, уйдан жўна, хотинингни ҳам олиб кет!» — деб ҳайдашди. Биз кимсасиз икки кексани каровчисиз қолдириб кетолмадик. Қурилишдаги ўртоқларим ёрдамида қайинотам билан қайинонамга алоҳида кичкина даҳлизли, полли уй қурдик. Бу орада биз бир ўғилча кўрдик. Янги уй, фарзанд кўришимиз муносабати билан қариндош уруғлар, маҳалла-кўйдан дўстлар келишдилар. Улар ўтириш айни қизиган вақтда қайинонам билан қайинотамни ўртага олиб: «Хўш, энди куёв боладан хурсандмисизлар? Янги уйлар, янги меҳмон муборак бўлсин!» — дедилар.

Қайинонам билан қайинотам хижолатдан чўғдай қизариб кетишди. Кўзларига ёш олиб мен ва қизлари, набиралари ҳақига яхши тилаклар тилашди.

Дарҳақиқат, келин ҳам, куёв ҳам ўз ҳаётида айрим қийинчиликларга дуч келади. Аммо кучли иродага эга бўлган кишигина буни сабот ва матонат билан енгиб ўтади. Иродасиз киши эса кичкина қийинчиликлар қаршисида ҳам бош эгиб, турмуш масаласини енгилтаклик билан ҳал этади. Натижада, ундай турмуш бузилиб кетади. Комсомол йигит Самад бундай бўлишига йўл қўймади. У сабр-тоқат билан барча қийинчиликларни енгиб ўтди.

Демак, ҳар бир келин ва куёв ўз қайинотаси ва қайинонаси олдидаги фарзандлик бурчини меҳрибон келин Саодат ва сабот-матонатли куёв Самад сингари халоллик ва софдиллик билан бажариши керак.

Бугунги ёш келин-куёвлар яна йигирма-йигирма беш йилдан сўнг ўзлари ҳам қайинота, қайинона бўлишларини унутмасликлари керак. Ҳозир ўзлари қайинота ва қайинонага қандай муносабатда бўлган бўлсалар, кексайганларида келин-куёвларидан, албатта, қайтади. Чунки арпа эккан одам буғдой олишни умид қила олмайди-ку!

Агар ўғил ёки қиз, келин ёки куёв ота-онанинг ўзидан кутган умидларини оёқ ости қилса, ножўя хатти ҳаракатлари билан уларни ранжитса, фарзандлик бурчини адо этмаган бўлади. Ундай кишилар жамоатчиликнинг ғазаб ва нафратига учрайди.

Коммунистик аҳлоқ нормалари шуни тақозо этади!

Нусратхон ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари кандидати.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Тошкент шаҳридаги «Новинка» трикотаж ательеси бошланғич партия ташкилотининг секретари Иосиф Яковлевич Рибаков шу кунларда жуда хуноб:

— Эҳ, Шокиров! Бизни шарманда қилдинг-ку!

Ателье коммунистларидан Борис Сергеевич Гурьянов, Раиса Владимировна Сонкина ва Галина Николаевна Роговаларда ҳам ҳаловат йўқ. «Нима иш қилиб қўйдик-а?»—деган савол уларнинг ҳам ҳаёлини банд этган.

— Қаёқданам Шокировга тавсиянома бердик, бўлмаса, бу ташвишлар йўқ эди, — ҳаммаларининг тилларида ана шу гап.

Партком секретари ҳамда уч коммунистни ташвишга қўйган Шокиров ким бўлди экан?

...Муборакжон Мирзоянович Шокиров нафс домига илинди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Қандай бўлмасин пул жамғариш йўлига ўтди. Бир неча муддат Тошкентдаги 3-автокомбинатда шофер бўлиб ишлагач, бу ердан мўлжалидаги пул унмади шекилли, «Новинка» трикотаж ательесига шўнғиди. 1969 йилнинг 9 июлида уни омбор мудири қилиб қабул этишди.

М. Шокиров бу ерда ўзини ниҳоятда эпчил қилиб кўрсатишга уринди. Бисотидаги бор ширин сўзларини, тилёғламаликни ўз раҳбарларидан аямади. Мақсади улар олдида обрў-эътибор қозониб, янада баландроқ кўтарилиш эди.

Ниҳоят М. Шокиров кутган кун ғир этиб етиб келди. 1969 йилнинг 1 сентябрида уни 2-цехга бошлиқ қилиб кўтаришди. Эндигина 26 ёшга қадам қўйган йигитнинг бундай парвози кўпларни ҳайратга солди:

— Институтни битирган мутахассис эканми?

— Қаёқда дейсиз, қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртида ўқиган экан.

— Вой, тавба, қишлоқ хўжалиги қайда-ю, трикотаж ательеси қайда!

М. Шокиров цех бошлиғи бўлганидан кейин аста-секин қилиқ чиқара бошлади. Қўлидаги ишчи-хизматчиларни менсимайдиган, уларни оёқ учида кўрсетадиган бўлди. Ҳатто ателье раҳбарларини ҳам бир мирига олмай қўйди. Директор кабинетига беруҳсат кириб, ялпайиб ўтириб олганини кўрган одамлар ҳали-ҳали ҳайратланиб ёқа ушлашади.

Ателье раҳбарлари Шокировнинг бу одатларидан чўчиб қолган бўлсалар керак:

— Қани, йигитча, ариза ёзинг, бўшанг! — дейишгача бориб етдилар.

Шунда М. Шокиров бир ҳужжат кўрсатиб, ўшқирди:

— Биласанларми, мен ким! ОБХСС ходимиман-а, сенларга кўрсатиб қўяман!

М. Шокиров бу гапни бежиз айтмаётган эди. Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бўлимидаги масъул ўртоқлар дурустроқ сўраб-суриштирмай унга штатсиз инспектор деб гувоҳнома бериб қўйишган эди. Ана шу ҳужжат Шокировни янада ҳаволантириб юборди. Кўринганга ўзининг кимлигини пеш қиладиган бўлди. Лекин ўша пайтда ателье директори вазифасини бажараётган Н. Ражабова (ҳозир у шу ерда директор) унинг дўқ-пўписаларидан тап тортмади. 1970 йилнинг 27 апрелида М. Шокиров вазифасидан бўшатилди.

Ателье бошланғич партия ташкилотининг секретари И. Я. Рибаков эса, ёш коммунистнинг найрангларини кўра била туриб, унга нисбатан бирор чора кўриш ҳақида ўйламади. Ишдан бўшатилганидан кейин ҳам гўё бундан беҳабардек юраверди. М. Шокиров эса ўз вақтида аъзолик бадалини тўлаб, парторгни ҳотиржам қилди.

М. Шокиров уч ой кўчама-кўча санғиб юргач, кандидатлик стажи тугади. Энди у қандай бўлмасин партия сафига ўтиб олиши керак эди. Яна ўзининг қадимги айёрлигини ишга солди. Коммунистлардан Борис Сергеевич Гурьянов, Раиса Владимировна Сонкина ва Галина Николаевна Роговаларни ўз сўзига кўндириб, тавсиянома ёздириб олди. Масъулиятсиз бу уч коммунист бекорчи М. Шокировни кўкларга кўтариб мақтаб ёзиб беришди. Ўшанда улар Уставга ҳилоф равишда иш кўраётганликларини, бирор ерда ишламайдиган одамни партия сафига қабул қилиш мумкин эмаслигини ҳаёлларига ҳам келтирмадилар.

1970 йилнинг 29 июль куни «Новинка» трикотаж ательеси коммунистларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда М. Шокиров партия аъзолигига қабул қилинди. Шундай қилиб, ательедаги баъзи коммунистлар катта хатога йўл қўйдилар. М. Шокиров эса шунча одамни лақиллата олганидан хурсанд бўлиб, қаёққадир жўнаб кетди. Орадан бир неча кун ўтгач, Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитетида унга тантанали равишда партбилет топширилди.

М. Шокиров шундан кейин ҳам бирор ерда ишлашни, жамиятга фойда келтиришни ўйламади. Айш-ишрат қилиб юраверди. Партком И. Рибаков эса уни ҳар кўрганида:

— Муборакжон Мирзоянович, учетингни кўчириб кетсанг бўлар эди, — дейишдан нарига ўтмади.

Шунда М. Шокиров:

— Взносни тўлаб турибман-ку, икки тийин ўрнига бир сўм ўн беш тийиндан! — деб ҳирингларди.

Чиндан ҳам шундай, гўё М. Шокиров цех бошлиғи бўлиб ишлаётгандек 115 сўм маош ҳисобидан ой сайин 1 сўм 15 тийиндан аъзолик бадали тўлаб келаётган эди.

Яқинда «Новинка» трикотаж ательесига совуқ ҳабар етиб келди:

— Шокиров «Дружба» кафеси официанткасини қўрқитиб, 200 сўм пора олганида қўлга тушибди!

М. Шокировни, унинг қўлига штатсиз инспекторлик гувоҳномасини бериб қўйган Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бўлимининг ходимлари жиноят устида ушлашган эди.

М. Шокиров ҳақидаги кўнгилсиз ҳабар тарқалганидан кейин уни масъулиятсизлик билан партия сафига қабул қилган «Новинка» ательеси коммунистлари нима қилишларини билмай қолишди. Шокировга тавсиянома берган уч коммунист ҳам, партком секретари И. Рибаков ҳам жуда ҳайрон эди. Негаки ,Уставга кўра тавсиянома берувчилар тавсия қилинган кишининг сиёсий, ишчанлик ва аҳлоқий сифатларига берилган беҳонинг объективлиги учун партия ташкилотлари олдида масъулдирлар! Шу билан бирга, бошланғич партия ташкилоти ҳам йўл қўйилган бундай камчилик учун, албатта, жавоб бериши керак. Биз бу мақолани фирибгар М. Шокировнинг найрангларини фош қилиш учунгина эмас, партия ишига масъулиятсизлик билан қараган «Новинка» ательеси коммунистларини бир огоҳлантириб қўйиш учун ҳам ёздик. Бунга Тошкент шаҳар. Куйбишев район партия комитетидаги масъул ўртоқлар нима дейишаркин?

У. ЮСУПОВ.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

ҚОЗОҒИСТОН ССР БЎЙЛАБ

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ КЎМИР

ЭКИБОСТУЗ. Прииртиш кочегаркасининг шахтерлари янги беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ кўмир қазиб чиқариш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришдилар. Ўтган йили Х. Достмаганбетов бошлиқ бригада аъзолари юзларча минг тоннадан ортиқ кўмир қазиб чиқардилар. Бригадада айни вақтнинг ўзида янги машинани ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам ўзлаштирилди.

Комбинатнинг барча бригадаларида партиямизнинг навбатдаги съезди шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилинди. Янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ истеъмолчиларга пландан ташқари йигирма минг тонна кўмир жўнатилди.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

ЧИМКЕНТ. Жанубий Қозоғистон областининг механизаторлари мингларча ғалла ўрадиган комбайнлар, плуг ва сеялкаларни тўла ремонтдан чиқариб қўйдилар. Кустанай деҳқонларининг чақириғига қўшилган область механизаторлари кўкламги экин экиш ишларига тайёргарликни муддатидан икки ҳафта илгари бажариб қўйишга аҳд қилдилар. Колхоз ва совхозларнинг устахоналарида ўтган йилдагига қараганда бу йил икки баравар кўп техника ремонтдан чиқарилди.

Дала меҳнаткашлари бўлгуси мўл ҳосилга ҳозирдан бошлаб пухта замин тайёрлаш кераклигини жуда яхши биладилар. Лангар, Сайрам, Тулкибош ва Туркистон районларининг хўжаликларида техника ремонти графикда белгилангандан ортиқ адо этилаётир. Бу районларнинг устахоналарида ремонт ишларини поток усулида олиб бориш учун керакли барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

СЕРҚАЙМОҚ СУТЛАР

ҚИЗИЛЎРДА. Кармакчин районидаги «Учинчи Интернационал» колхозининг илғор сут соғувчиси Р. Турсунова ўтган беш йиллик мобайнида 55 минг сўмлик сут соғиб олди.

ЧИРОЙЛИ ПОЙАФЗАЛЛАР

СЕМИПАЛАТИНСК. Пойафзал фабрикасининг коллективи СССР Енгил саноат министрлиги бадиий совети томонидан тасдиқланган модель асосида беш миллион жуфтга яқин пойафзал ишлаб чиқаради.

Фабрика коллективи партиямизнинг навбатдаги съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб биринчи квартал планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар.

АХБОРОТ

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ИНСТИТУТНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

Оржоникидзе номли Бухоро Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари институт ташкил топган кунининг 40 йиллигини нишонладилар. Қадимий шаҳардаги билим даргоҳи шу йиллар ичида барқ уриб ўсди, камол топди.

Бухоро область партия комитетининг секретари Х. Н. Мўминов, СССР учувчилик академияси олий математика кафедрасининг мудири А. Пўлатов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро-физикаси институтининг профессори М. Субхонқулов, Тожикистон Давлат университетининг профессори М. Болтаев ва бошқа ўнлаб партия, совет ходимлари, таниқли олимлар Бухоро Давлат педагогика институтида таҳсил кўрган ўртоқлар институт коллективини қизғин табрикладилар.

Ҳозирги вақтда институтда 3 фан доктори, 70 дан ортиқ фан кандидатлари, юзлаб малакали педагоглар бўлғуси ўқитувчиларга билим бермоқдалар.

Институтнинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда институт ректори Ж. Намозов билим даргоҳининг шонли йўли ҳақида доклад қилди. Область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Қ. Муртазоев область партия комитетининг табрик хатини ўқиб эшиттирди, институт коллективини самимий табриклади. Йиғилишда Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қарши ва бошқа олий ўқув юртларининг вакиллари юбилярни муборакбод этдилар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЎЛ ҲОСИЛ МУКОФОТИ

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги пилладан мўл ҳосил етиштирган 160 хўжаликка пул мукофоти берди. Илғорлар орасида Бухоро районининг Карл Маркс номли, Бағдод районининг «Большевик», Кува районининг «Партия XXII съезди» колхозлари бор.

Г. ГРАХОВ.

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Москвада ғаллани сақлаш ва қайта ишлаш павильонида янги техника ва мукаммал технология кўрги бўлди. Унда Тошкент шаҳридаги 1- ун комбинати илғор деб саналди. Комбинат янги техникадан унумли фойдаланишда яхши натижаларга эришган.

Жорий қилинган 14 асбобускуна, 12 пневмо қурилма комбинатга 20 минг сўм фойда келтирди. Тошкент комбинатининг тажрибаси мамлакатда биринчи деб тан олинди.

Д. БЕРНАРД.

ҚАРДОШЛАР ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

Пойтахтимизнинг «Високовольтная» массивида республикамизда ягона бўлган Улка медицина институти биноси қурилмоқда. Бино лойиҳасини СССР Фанлар академияси ҳузуридаги медицина муассасалари қурилиши лойиҳа институти ходимлари тайёрлаган. Институт корпусларини «Главташкентстрой»нинг 19- бошқармаси ҳамда «Отделстрой» трести бинокорлари тиклаяпти. Институт биноси яқин кунда фойдаланишга топширилади.

С. ҚУЧҚОРОВ.

ОЙНАВАНД МАГАЗИН

Фарғона область, Узбекистон районидаги Яйпан посёлкаси меҳнаткашлари бинокорлардан яна бир тухфа олди. Ойна ва бетондан ишланган 2 қаватли универсаль магазин биноси фойдаланишга топширилди. Район марказида 1000 номерли янги автомат-телефон станцияси қурилиши ҳам тугалланди.

А. ПАТТОЕВ.

КУЗ ЖИЛВАСИ

Узбекистон Рассомлар союзи ташаббуси билан пойтахтимиздаги Архитекторлар уйида «Куз манзаралари» кўргазмаси очилди. Кўргазмага рассомларнинг юздан ошиқ асарлари қўйилган. Р. Ахмедовнинг «Куз», З. Иноғомовнинг «Менинг қишлоғим», Н. Қўзибоевнинг «Биринчи қор», В. Фадеевнинг «Тарвузлар» полотнолари томошабинларга манзур бўлди. Кўргазмада ёш рассомларнинг асарлари ҳам анчагина.

О. АЛИМЖОНОВ.

* * *

Редакциямизга яна жиззахлик И. ДОНИШЕВ, хоразмлик Х. КАРИМОВ, А. ЖУМАНИЕЗОВ, қашқадарёлик Ж. БОБОЕВ, Қ. РАҲИМОВ, фарғоналик Б. НОСИРОВ, А. РАСУЛЕВ, Э. НАМОЗОВ, сирдарёлик А. ТУРЛИЕВ, Э. РУЗИБОЕВ, андижонлик И. МУРОДОВ, самарқандлик А. САРИБОЕВ, сурхондарёлик М. БОБОМУРОДОВ ўртоқлар ҳам шундай хуш-хабарлар ёзиб юборганлар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧИЛИ ПРЕЗИДЕНТИГА СУИҚАСД

ГАВАНА, 18 январь. (ТАСС). Чили президентининг матбуот хизмати полиция Вальпараисо шаҳридаги президент саройининг дарвозаси олдида Чили президенти тушган машина ўтиб турган пайтда портлатиш учун қўйилган бомбани зарарсизлантирди, деб эълон қилди.

«Пренса Латина» агентлигининг хабар беришича, Сальвадор Адъендега қилинган бу суиқасд халқ бирлиги блоки ҳукуматини ағдариб ташлашга уринаётган фитначилар реакцион группасининг яна бир террористик ҳаракатидан иборатдир.

БАХТСИЗ ҲОДИСА НИҚОБИ ОСТИДА

БОННН, 18 январь. (ТАСС). Федераль канцлер бошқармаси бош секретари Э. Барнинг хабар беришича, Германия Федератив Республикасининг канцлери Willи Брандтга суиқасд тайёрланган. Бу суиқасд у Кенияда дам олаётган вақтида амалга оширилиши керак эди. Дўст ҳукуматлардан бири бизнинг ўнг экстремистлар Брандтни ўлдирмоқчи бўладилар, деб хабардор қилди. Бу суиқасд бахтсиз воқеа бидан ниқобланиши керак эди, деди бош секретарь. В. Брандт ҳозир Германия Федератив Республикасига қайтиб келди.

ҲУКУМАТ КОНТРОЛИ ОСТИГА ОЛИНДИ

САНТЬЯГО, 18 январь. (ТАСС). Чили ҳукумати хусусий кредитлаш-инвестицион банкини ўз контроли остига олди.

Ҳукумат баёнотида банк правленеси молиявий қонунларни бузганлиги ва ҳукуматнинг фармойишларини бажармаганлиги айтилган.

Кредитлаш-инвестиция банки ҳукумат контроли остида олинган молиявий муассасаларининг учинчисидир. Эдварда банкига ва Ипотека банкига ҳам шундай чора кўрилган эди.

АВСТРАЛИЯДА СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК

КАНБЕРРА, 18 январь. (ТАСС). Канберрадаги Совет элчихонаси территориясига 17 январь эрта саҳарда учта бомба ташланди. Бомбалар портлаб, элчихона биносига катта зарар етди. Элчихона ходимларидан ва уларнинг оила аъзоларидан ҳеч ким шикастлангани йўқ.

СССРнинг муваққат ишлар вакили В. Н. Смирнов Австралия ташқи ишлар министрлигига бориб, шу жиноий ҳаракат муносабати билан кескин норозилик билдирди.

Канберра полиция бошлиғининг айтишига қараганда, Совет элчихонасига бомба ташлаган икки террорчи қўлга олинган ва уларга расмий айбнома топширилади.

ЧИЛИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ

САНТЬЯГО. 1971 йил январь ойидан март ойига қадар Чили пойтахтида 16 592 минг квартира қурилади. Чили уй-жой қурилиши министри Карлос Кортес матбуот конференциясида шу ҳақида гапириб айтдики, бу иморатлар Сантьягонинг асосан теварак атрофидаги жойларда қурилади. Чунки бу шаҳар атрофида ишчилар ва кам ҳақ оладиган хизматчилар истиқомат қиладилар. (ТАСС).



Германия Демократик Республикаси. Суратда: Дрезден шаҳрининг энг кўркам кўчаларидан бири Прагер Штрассе. Ўтган йиллар ичида шаҳарнинг энг гўзал жойларидан бирига айланди.

АДН—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

БАР ИСТИҚБОЛИГА УМИД БИЛАН ҚАРАМОҚДА

* Нил соҳилида тантаналар давом этмоқда

* *Инглиз меҳнаткашларининг қатъий талаблари*

* Хитнинг найранглари ўтмай қолди

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ завқли, унутилмас кунларни бошдан кечирмоқда. Миср халқининг азим Нил дарёсини жиловлаш тўғрисида асрлар бўйи орзу қилиб келган тилаги рўёбга чиқди. 15 январда Асвонда улкан гидроэнергетика комплекси қурилиши тугалланганлиги тантанали вазиятда байрам қилинди.

Асвон тўғони ва Нил соҳилидаги қудратли гидроэлектр станцияси Бирлашган Араб Республикасида кейинги йилларда вужудга келтирилган ва Миср халқининг кўп асрлик тарихида мисли кўрилмаган энг ажойиб иншоотдир. Ўз ҳажми жиҳатидан Хеопс сингари машҳур пирамиданинг 17 тасига тенг келадиган ана шу баланд тўғон ҳозирги Мисрни, Бирлашган Араб Республикаси халқининг янги жамият қуриш йўлидаги иродаси ва қатъиятини яққол ифода этади.

Асвон гидроэнергетика комплекси жуда оғир табиий ва иқлим шароитларида Совет ва Миср ишчиларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли вужудга келтирилди. Бу комплекс халқлар хотирасида икки давлат — СССР билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги беғараз ва самимий ҳамкорликнинг ёрқин намунаси сифатида абадий сақланиб қолади.

Расмий визит билан Бирлашган Араб Республикасига келган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийни Миср халқи ғоят самимий ва дўстона кутиб олганлиги Совет Иттифоқидан самимий миннатдорчилик ва ташаккур туйғуларини айниқса яққол намойиш қилди. Н. В. Подгорний ва унинг ҳамроҳлари Асвондаги тантаналарда қатнашдилар ҳамда Бирлашган Араб Республикасининг раҳбарлари билан муҳим музокаралар олиб бордилар. Ишчилар ва фаллоҳлар билан Миср зиёлиларининг вакиллари, давлат арбоблари ва ҳарбий арбоблар билан учрашув ҳамда суҳбатлар Совет ва Миср халқлари мустаҳкам дўстлик воситалари туфайли бир-бирлари билан маҳкам боғланганликларини яна бир марта очиқ-равшан кўрсатиб берди.

Жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари СССР Олий Совети Президиуми Раисининг сафари, Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигиннинг Бирлашган Араб Республикаси раҳбарларига ва дўст Миср халқига самимий табрик сўзлари араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун олиб бораётган курашдаги ҳаққоний ишини Совет Иттифоқи қўллаб-қувватлаётганлигини ёрқин намойиш қилди, деб ҳисобламоқдалар. «Совет Иттифоқининг оғир шароитда олиб борилаётган курашимизда биз билан бирдам бўлишни, — деб таъкидлайди «Ал-Жумҳурия» газетаси, — марксизм-ленинизмнинг асосий принципи — пролетар интернационализми принципи тақозо этди».

Бирлашган Араб Республикасининг халқи Асвон комплексини келажакка йўл очиб берадиган дарвоза деб билади. Миср халқи бундан 18 йил муқаддам империалистларнинг Мисрдаги ҳукмронлигига чек қўйган июль революцияси ғояларини охиригача амалга оширишга кескин қарор берган ҳолда ана шу истиқбол сари бормоқда. Июль революцияси Миср тарихидагина эмас, балки бутун араб шарқининг тарихида ҳам янги босқич бошланганлигидан далолат берди, Мисрнинг империалистлар ҳукмронлиги кишанларини парчалаб ташлаб, чет эл ҳукмронлигини тугатиш имкониятини туғдирди.

Бирлашган Араб Республикаси ўша вақтдан буён прогрессив социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлини, империализмга қарши кураш, Совет Иттифоқи билан дўстлик йўлини изчиллик ва қатъият билан амалга ошириб келмоқда. Бирлашган Араб Республикасининг халқи Асвон тўғони чўққиларидан келажакка комил ишонч билан назар солмоқда.

ИШЧИЛАР РАД ЖАВОБИНИ БЕРМОҚДАЛАР

ИНГЛИЗ ИШЧИЛАР СИНФИ 12 январда мамлакатнинг ҳамма қисмида жуда катта сиёсий намойиш ўтказди. Бу — умуммиллий норозилик куни эди. Неча ўн минглаб ишчилар станок ва машиналарнинг ҳаракатини тўхтатдилар ва ҳозирги вақтда консерваторлар ҳукумати ишчиларнинг манфаатларига зид бўлган қонунларни ишлаб чиқаётганлигига қарши қатъий норозилик билдириш учун шаҳар кўчалари ҳамда майдонларига чиқдилар.

Ана шу қонундан кузатилган мақсад — инглиз меҳнаткашларини ўз ҳуқуқлари учун кураш олиб боришда ҳар қандай имкониятдан маҳрум этишдир. Корхона эгалари ана шу қонун ёрдамида капитализм шароитида меҳнаткашларнинг эксплуататорларга қарши олиб борадиган курашининг асосий формаси бўлмиш забастовкаларни тақиқлай оламиз, деб умид боғламоқдалар.

Ҳозирги вақтда Англия экономикаси катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Мамлакатда 657 минг ишсиз бор. Автомобиль, металлургия, авиация заводлари ва бошқа заводларда ишчилар кун сайин қўплаб ишдан бўшатилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ишсизлар сони яқин орада 800 минг кишига етиши мумкин. Мамлакатда забастовка ҳаракати кескин суратда кучайиб бораётганлиги бежиз эмас.

Англия ҳукумати оғир иқтисодий қийинчиликлар рўй берган бир шароитда корхона эгалари томонига ўтди. Бу табиий бир ҳол эди. Капитализм шароитида ҳукумат, бир томондан, аҳолидан миллиард-миллиард доллар солиқ олиб бу пулларни корпорацияларнинг хазиналарига топшираётган иқтисодий бир бошқарма бўлса, иккинчи томондан, ана шу корпорацияларнинг манфаатларига садоқат билан қўриқловчи бир қуролдир.

Инглиз ишчилар умуммиллий норозилик кунида ҳукуматга қатъий қилиб рад жавобини айтдилар. Бу эса, капитализм шароитида «синфий тотувлик» йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини яна бир марта яққол кўрсатди. Ана шу афсонани кенг ёйиш йўлида кўп бош қотирган ўнг оппортунист касаба союз раҳбарлари ва лейборист раҳбарлар ишчиларни консерваторларнинг қонун лойиҳасига қарши пропаганда-оқартув кампанияси ўтказиш билангина чекланиб қолишга кўндириш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилдилар. Лекин бундан ҳеч қандай натижа келиб чиқмади.

12 январдаги сиёсий намойиш меҳнаткашлар томонидан 8 декабрда уюштирилган «ҳаракат куни»да бўлган забастовкалар, намойишлар ва митингларнинг бевосита давоми бўлди. Инглиз ишчиларининг ўз иқтисодий талабларинигина эмас, сиёсий талабларини ҳам қўллаб-қувватлаш йўлидаги ҳаракати кун сайин жанговар тус олмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг ҳамма қисмида ҳукуматнинг қонун лойиҳасига қарши курашни мувофиқлаштириб олиб бориш учун ҳаракат комитетлари тузилмоқда. Инглиз ишчилари ғалаба қозонишга қатъий бел боғлаганлар.

ЛОНДОН ЯККАЛАНИБ ҚОЛМОҚДА

ЛОНДОН ЎЗИНИ ЖАҲОННИНГ тақдирини белгиловчи куч деб ҳисоблаган замонлар ўтиб кетди. У замонлар асло қайтиб келмайди. Инглиз капитализмининг шарти кетиб— парти қолди, Британия империяси эса миллий озодлик ҳаракати зарбалари остида емирилди. Англия урушдан кейинги даврда ана шу империя ҳаробаларида бекарор сиёсий бирлашмани — Британия миллатлар ҳамдўстлигини тузди. Инглиз мустамлакачилари ҳукмронлигидан озод бўлган мамлакатлар ана шу ҳамдўстликка аъзо бўлиб кирди. Аммо илгариги қудрати ва таъсирининг лоақал бир қисмини сақлаб қолиш йўлидаги бу уринши ҳам эндиликда тамомила барбод бўлмоқда.

14 январда Сингапурда миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бош министрларининг навбатдаги — ўн саккизинчи конференцияси очилди. Англия иркчи Жанубий Африка Республикасига қурол-яроғларни яна етказиб бериш ниятида эканлигини эълон қилган эди. Англиядан ташқари, ҳамдўстликдаги 31 мамлакатдан 24 таси конференция очилишидан илгариёқ Англиянинг сиёсатини кескин суратда қоралади. Англия бош министри Хит конференцияга бориш йўлида ҳамдўстликдаги баъзи мамлакатларга сафар қилиб, ана шу оппозициянинг олдини олишга уриниб кўрди. Аммо унинг бу ҳаракатлари барбод бўлди. Инглиз дипломатиясининг «совет хавфи бор» деган ўйдирма гапларни анъана тариқасида рўкач қилиб келаётганлиги ҳам Хитга ёрдам бермади. Англиянинг ҳукмрон доиралари ана шундай ўйдирмалар ёрдами билан ўзининг империалистик ва мустамлакачилик сиёсатини ниқоблашга интилмоқдалар. Англиянинг Австралия, Янги Зеландия ва Канада каби «саботли шериклари» ҳам Лондонни қўллаб-қувватламадилар. Канада бош министри Трюдо Ҳинд океанида «совет томонидан ҳеч қандай хавф йўқ» деб данғал айтди ва Англиянинг Жанубий Африка Республикасига қурол-яроғ сотиши тўғрисидаги масала билан ана шу уйдирма ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқлигини изҳор қилди.

Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси Сингапур конференциясининг боришини шарҳлаб, бу конференция Англия сиёсатидаги чуқур тангликни исбот этувчи далил, деб тан олишга мажбур бўлди. Ҳамдўстликнинг Осиёдаги энг йирик аъзолари Ҳиндистон ва Покистон ҳамда ҳамдўстликнинг Африкадаги энг йирик аъзоси Нигерия юксак мартабадаги ўз вакилларини конференцияга юборишдан воз кечганлиги каби фактнинг бир ўзиёқ, деб таъкидлайди газета, ҳамдўстлик тушкунликка юз ўгирганлигидан далолат беради. «Таймс» газетасининг фикрича, ҳамдўстликнинг қандай йўлдан бориши тўғрисидаги масала эмас, балки ана шу ҳамдўстлик умуман давом этаверадими, деган масала конференциянинг асосий масаласидир.

Сингапур конференциясида Англиянинг тамомила яккаланиб қолганлиги, Англия ҳукмрон доираларининг империалистик ва янги мустамлакачилик сиёсати тангликка учраганлигини очиқ-равшан ифода этади.

Г. ШИШКИН,
(ТАСС).

Вьетнам, Камбоджа, Лаос — Ҳинди-Хитойдаги уруш ўчоқларидир. Америка империалистлари ҳарбий-саноат монополияларини бойитиш мақсадида бу урушни баттар авж олдирмоқдалар. Ўз озодлиги учун курашаётган ватанпарварларни ваҳшийларча қийнамоқдалар. Суратда: АҚШ жаллодлари асирга тушган ватанпарварларни сўроққа олиб келишяпти.

АП—ТАСС фотоси.

Редактор М. КОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари. 13.00 — **Москва.** 13.05 —Янгиликлар. 13.15— Беш скрипкачилар. 13.45 — «Коллектив хўжалик эгалари», 14.15 — ЦДРИда учрашувлар 14.40 — Янгиликлар. 18.25 — **Тошкент.** 18.30 — «АХБОРОТ». 18.45 — Ишчи — фахрли ном. **Узбек тилида:** 19.05 — Концерт. 20.00 — Шеърият муҳлисларига 20.15 — «АХБОРОТ». 20.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари университети. 21.05 — Совет республикалари фестивали. **Узбекистон ССР.** 22.30 — Концерт. 23.15 — **Москва**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — **Москва.** 20.30 — Миллионлар лениниа университети. 21.00 — Янгиликлар. 21.05 — **Тошкент. «Тенгқурлар»** (бадиий фильм). 22.30 — **Москва.** Бадиий фильмлар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент.** Телефильм. 21.00 — Музика асбоблари: ТОР. 21.40 — **«Жаноб олийларининг адъютанти»** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/I да **Ҳалима**, 21/I да **Фарғона тонг отгунча**, 22/I да **Кумуш тўй.**

КИНО

Эгер юлдузлари — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Борт ортидаги киши — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Бегуноҳлар — «ҚЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Том Сойернинг саргузаштлари; Хинду Джоннинг ўлими — «ВОСТОК» (кундуз соат 1 ва кеч 7да).

Цирк — «ЎЗБЕКИСТОННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7 да).

Яшасин севги! — «СПУТНИК» (кундуз соат 1, 3, кеч 6 да).

Директор — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Она муҳаббати — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва 4 яримда).

Шпесарцдаги қувноқ даврлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ «НИИСТРОМПРОЕКТ» ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича ванант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

физикавий-кимиявий ва кимиявий аналитик аниқлашнинг иқтисодий тадқиқотлари —катта илмий ходимлар;

Физикавий-техникавий тадқиқотлар ва буюмлар —органик хом ашё асосидаги қурилиш материаллари секторининг мудири.

Конкурс муддати —1 февралгача.

«Совет Узбекистони» газетасида 19 ва 30 декабрда эълон қилинган конкурслар муддати 1 февралгача узайтирилди.

Конкурсда фан кандидатлари ёки мутахассислик бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва катта практика тажрибасига эга бўлганлар қатнаша оладилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 66-уй.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари институт директорининг ўринбосари Г. Н. Неъматовга ўғли

НОДИРнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи газетанинг Андижон область мухбири А. Қурбонбоевга ўғли

ДИЛШОДнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат медицина институти ректорати ва республика 1-клиник касалхонаси институт фармакология кафедрасининг профессори

Зулфия ЗОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлари: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339 323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия гурмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251 330252, 330253, 330254, 330255, 330256 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 23—27. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44 ГУЛИСТОН — 22—09.

№ А. — 15. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р-04144.